



**IQTISODIYOTNI
BARQARORLASHTIRISH
SHAROITIDA BOLALAR
OZIQ-OVQAT
MAHSULOTLARI
BOZORINING
AHAMIYATI**



**MEYLIYEVA DILNOZA
BOBONIYOZ QIZI,**

*Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti "Biznes
boshqaruvi
va logistika" kafedrasida katta
o'qituvchisi
dilnozaxon.0708@gmail.com*

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp160-163>


Annotatsiya: Ushbu maqolada bolalar oziq-ovqat mahsulotlari bozorida marketing tadqiqotlari o'tkazish va bolalar oziq-ovqat mahsulotlari bozorining xususiyatlariga ko'ra tasniflanishi ko'rib chiqilgan. Bolalar oziq-ovqat mahsulotlari bozorining alohida elementlarining o'zaro bog'liqlik sxemasi ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot, bolalar, bolalar oziq-ovqati, bozor, bolalar oziq-ovqati bozori, ulgurji va chakana bozor.

Жаҳонда 2019 йил бошланган COVID-19 пандемияси аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини шакллантириш ва қўшилган қиймат "занжири"ни яратиш омили, айниқса, болалар озиқ-овқатига бўлган эътиборнинг эҳтиёжи янада ошганини кўрсатган [1].

Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорини тадқиқ қилишда ундаги жараёнлар хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Биринчи навбатда, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатлар ва воситачиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланиб, ишлаб чиқарувчи томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ўз вақтида ошириш ёки камайтиришнинг иложи бўлмаган ҳолатларда ҳам озиқ-овқат истеъмолини харидор узоқ вақт давомида ушлаб туролмаслигидир. Шу сабабли истеъмолчи томонидан ҳам, ишлаб чиқарувчи томонидан ҳам, маълум бир тизим сифатида бозорнинг ўзига хос хусусияти сифатида тан олинishi керак. Шундай қилиб, ҳар доим ҳам бозорнинг асосий таркибий қисмлари талаб ва таклиф нарх тизимидан келиб чиқиб, бошқа томоннинг позициясига мос равишда жавоб бера олади [2].

Характерли белгиларга қараб озиқ-овқат товарлари бозорларининг кўп турлари мавжуд (1-расм).




1-расм. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг хусусиятларига кўра таснифланиши.

Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозори ҳудудий қамрови бўйича дунё, давлатлараро, умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий бозорларга бўлинади. Таъминот нуқтаи назаридан, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи бозорларга ажратилади. Товарлар ҳаракати шаклига кўра, улгуржи (B2B) ва чакана (B2C) бозорлар ажралиб туради, сақлаш муддати бўйича узоқ муддатга мўлжалланган товарлар бозори ва тез бузиладиган маҳсулотлар бозори каби таснифланиши мақсадга мувофиқ.

Турли хил озиқ-овқат бозорлари тўлов қобилиятига бўлган талабнинг паст даражадан юқори даражасигача фарқ қилади. Бозорда сотиладиган маҳсулотга қараб эса озиқ-овқат бозорлари нон ва нон маҳсулотлари, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа бозорларга бўлиб таснифланиши тавсия этилади.

Озиқ-овқат бозорининг асосий турлари товарларни савдо орқали сотиш жараёнида амалга ошириладиган талаб ва таклиф муносабатларидир. Бу ишлаб чиқаришдаги таркибий силжишларни келтириб чиқарадиган, нархлар даражаси ва динамикасига таъсир этувчи, агробизнес секторлари ўртаси-

да капиталнинг ошиб боришига ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда озиқ-овқат товарлари бозори алоҳида элементларнинг ўзаро алоқавий тизими 2-расмга асосан тавсия этилади.



2-расм. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг алоҳида элементларининг ўзаро боғлиқлик схемаси.

Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозори уни бошқа турли товарлар бозорларидан ажратиб турадиган бир қатор характерли иқтисодий хусусиятларга эга [3]. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижаларини умумлаштириш асосида болалар озиқ-овқат бозорининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- етказиб бериш ҳажмида бошқаришнинг чекланганлиги;
- беқарорлик ва нотекис таъминот;
- таъминотнинг паст эгилувчанлиги;
- талабнинг паст эгилувчанлиги;
- юқори саноат хавфлари;
- талабнинг узлуксизлиги;
- бошқа бозорларга нисбатан юқори харажатлар;
- бошқа бозорлар билан таққосланганда юқори рақобат;
- минтақавий тафовутлар, уларни бартараф этишнинг қийинлиги;
- маданий анъаналарнинг ишлаб чиқариш таркибига таъсири.

Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг асосий хусусиятларидан бири экологиянинг бузилиши, гендер сиёсати ва турли хил касалликларнинг пайдо бўлиши, айниқса, пандемия даврида, она сутини ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини тақозо этади. Бунинг учун нима, қанча, қандай қилиб деган саволларга фақатгина сифатли маркетинг тадқиқотлари жавоб бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь /uza.uz/oz/politics
2. Ergashxodjayeva Sh.Dj., Ikramov M.A., Adilova Z.Dj., Abduhalilova L.T., Nabiyeva N.M. Marketing tadqiqotlari/ O'quv qo'llanma. – T.: Standart, 2019. – B. 9.
3. Д. Мейлиева “Болалар озиқ-овқатлари бозорида маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш”. International Scientific and Practical Conference: Actual tasks of the effective use of modern marketing concepts in the development of the national economy. Collection of scientific articles and abstracts of the International Scientific Conference. (October 25, 2022). – T.: TSUE, 2022. (Volume 1)-809 pages. www.myscience.uz.